



МАНАЛЛА

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 51 (278)

2001 йил 19 декабр, чоршанба

Газета 1996 йил январ ойидан чиқа бошлаган

Сотувда эркин нархда

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ»

Болажонлар бу хайрли тadbирни интиқлик билан кутишмоқда

Бу ибора бизга деярли мустақиллик билан бирга, унинг дастлабки Янги йил тантаналарида келиб келди ва юртимизда ўз ўрнини топди. Зотан, бу тadbир ўзида жам қилган одамийлик, оқибатлик, меҳр-мурувват, қолаверса юрт отасининг ўз халқига меҳр-муруввати тимсолида халқимизнинг ўзига хос ҳаёт тарзидан келиб чиққанлиги билан худди шундай ҳаётийликка дахлдордир.

Бу йил «Президент арчаси» ўнинчи бор ўтказилмоқда. Шу пайтгача бўлиб ўтган байрам тантаналари ота-она меҳрига тўймаган фарзандларимиз, кам даромадли оила болалари сингари меҳр-мурувватга интиқ қалбларга меҳр бахш этиб келди. Болаларимиз шундай илиқ меҳр ташналиги билан Янги йилни, яъни Юртбошимиз табриги, совғаси ва унда бўладиган томошаларни интиқ бўлиб кутадиган, бу тadbирларда қатнашган кунларини ҳаётининг энг бахтли онлари деб қалб дафтларига қайд қиладиган бўлишиди.

Бу йил яъни, Янги йил арафаси ва йилнинг дастлабки кунларида бўлиб ўтадиган «Президент арчаси» ҳар йилгидан ҳам кўра серза-

вқ, мазмунлироқ бўлиши табиий. Ҳа, албатта, бу ўринда тайёрланаётган совға-саломнинг тотли, мазали ширинликлар, энг чиройли ўйинчоқлар билан тўлиб-тошганлиги, тайёрланаётган «Томоша» театрининг мазмунга бой, ўта қизиқарли эканлигига ишора бор. Аммо бу йилги «Президент арчаси»нинг ўзига хос томони фақат шугина эмас. Энг асосийси, бу йилги тadbир пойтахтимизда бошланиб, турли вилоятларда давом этади.

Тadbир 29 декабр кунини Президентимиз асос солган Миллий театрда бошланиб, худди шу томошалар билан вилоятларда энг ҳашаматли кошоналарда болажонларни хушнуд этади.

Вилоятлардаги Мурувват уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган, боқувчисиз яшаётган болаларнинг тақлифларига асосан бу тadbир ана шу тарзда кенг кулоч ёйди. Зотан, улар ўз шаҳарларида «Президент арчаси» тadbирини худди пойтахтимиздаги каби ўтишини сўраб юзлаб хатлар ёзушди. Жойларда эса, бу тadbир янада қўллаб-қувватланди.

...Бизда шундай бир ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси борки, уни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Бу - юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва айниқса, мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизимидир.

Бутун халқимиз тан оладиган бу тизимнинг аҳамияти, хосияти ҳақида, унинг юртимизда олиб бораётган кўп қиррали фаолияти, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, одамлар ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш, ёшлар тарбиясига оид ишлари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Айни вақтда мен ижтимоий нуқтаи назардан, келажакимиз нуқтаи назаридан қараганда, маҳалланинг энг демократик бошқарув усули ва тизими эканини инobatта олиб, бундай ижтимоий идоранинг ўрни ва таъсири давлат идораларига нисбатан кучайиб ва кенгайиб бориши, ҳаётимиздаги моҳияти тобора ўсиб боришининг тарафдориман.

Ислом КАРИМОВ



Ҳаётимиз давомли

Жамиятимиз таҳлили

«Агар маҳалла жамиятимизда ўзининг тегишли ўрнини эгалласа, агар маҳаллада тинчлик ва осойишталик бўлса, бизнинг ҳамма нарсага қўрбимиз етади», - деб маҳалланинг асл моҳиятини, куч-қудратини очиб берган Юртбошимиз Ислом Каримовнинг дастурий ижтимоий-фалсафий таърифини ҳаётга тadbир-этиш, амалда кенг жамoатчилик онгига синдириб, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва уларнинг оқсоқоллари, фаоллари фаолиятини самарали йўлга қўйиш мустақил Ўзбекистон Республикаси олдига турган энг муҳим долзарб вазифалардан ҳисобланади. «Ўзбекистон» нашриёти истиқлолнинг ўн йиллиги муносабати билан

демократиясини тиклаш, асослаш ва изчил ривожлантириш борасида олиб борилаётган филдорона меҳнатнинг, ҳукумат даражасидаги ташкилий ишларнинг, яратилаётган имкониятларнинг, назарий ҳамда амалий ишларнинг кенг қамровли сарҳисоби, тажрибаси ва истиқболга қаратилган режалари илмий таҳлили, теран баёнидир.

Китобда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолиятининг барча жабҳалари қамраб олинган. Президентимизнинг Фармонлари, ҳукуматимизнинг қарорлари билан тарихий таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш, уларни изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг

ЖИЗЗАХ ШОДИЁНАЛАРИ

Вилоят марказида Маҳалла ва Ёшлар марказлари биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Убайдулла ЯМАНҚУЛОВ, Жиззах вилояти ҳокими.

ЁШЛАР — НАВНИҲОЛ БЎЛСА, МАҲАЛЛА — АЗИМ ДАРАХТ!

Ёшлар тарбияси, уларнинг камолоти ҳақида ҳамма вақт ва ҳаминча энг биринчи қайғурдиган киши - муҳтарам Президентимиз эканликларини ҳаммамиз биламиз. Кечагина Конституциямиз байрами тантанасида Юртбошимизнинг сўзлаган нутқларини, у кишининг маҳалла тизимининг жамиятимиздаги тутган ўрни ҳақидаги фикрларини ҳам диққат билан тингладик. Мен бугунги тadbирни Президентимиз томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига билдирилаётган ишончининг, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қилган даъватларининг ижроси, исботи деб биламан. Бугунги кундаги ҳамма сазй-ҳаракатимиз асоси эркин фуқаролик жамиятини яратиш ва ёшларни ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялашга қаратилган. Маҳалла ва Ёшлар марказининг бир пойдеворига қурилиб, икки мовий гўмбаз остида туташининг ўзига хос рамзий маъносига бор: ёшларимиз гўёки бир навиҳол, уларни парвартириш керак, оқсоқолларимиз эса ёши ҳам тажрибаси ҳам улуг инсонлар, улар атрофга соя ташлаб турган азим чинордек ёшларга маслаҳаттўй, ибрат бўлишлари лозим. Чинор билан навиҳол бир заминга илдиз отгандек, ёшларимизнинг ҳам, оқсоқолларимизнинг ҳам мақсаллари бир: юртимизни обод халқимизни бахтёр қилиш.

Биз бундан кейин ҳам барча имкониятимизни ёшлар тарбиясига, маҳаллаларимизни ободлаштиришга, оқсоқолларимизни қўллаб-қувватлашга сафарбар қилаверамиз.

(МАҲАЛЛА ВА ЁШЛАР МАРКАЗИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИДАН).

3-саҳифада. ➔

МАҲАЛЛА — МУСТАҚИЛЛИКНИНГ КАТТА ТАЯНЧИ

чоп этган республика Олий Мажлиси депутати, Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси, буюндик фанлари доктори, профессор Шўҳрат Жалиловнинг «Кучли давлатдан - кучли жамият сари» китоби тўла қониқлиш билан айтинч керакки, ушбу масъулиятли ва шарафли масалаларни



энг яқин удум ва анъаналарини омаллаштириш, маҳаллалар орасида маданий, маънавий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, шунингдек, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш каби қатор соҳаларда амалга оширилганда давлат этти-рилатган залворли ишлар ҳар жиҳатдан аниқ, бой далил, мисол ва тажрибалар самараси билан кўрсатиб берилган.

(Давоми 2-бетда)

МАҲАЛЛАЛАРИМИЗ ОЗОДА ВА ОБОД БЎЛСИН

«Маҳалла» хайрия жамғармаси, хотин-кизилар кўмитаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимларининг кенгайтириш йиғилиши бўлиб ўтди. Пойтахт маҳаллалари фаоллари, тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этган мазкур йиғилишда Тошкент шаҳрини янада ободлаштириш ва кўркамлаштириш борасидаги масалалар муҳокама этилди. Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда, айниқса, Тошкентда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, пойтахтимиз ўзида миллий ва замонавий меъморлик анъаналарини

уйғунлаштирган бир-бирдан муҳташам бино ва иншоотларга бой гўзал шаҳарлардан бирига айланди. Шундай экан, шаҳримизни янада обод этиш, чиройига чирой, кўркига кўрк қўйиш баробарида уни озода, саранжом-саринта тутиш бу ерда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим. Шу мақсадда мунтазам равишда ҳашар ўтказиш йўли билан ободлаштириш ишларини янада кенгайтиришга қарор қилинди. Хусусан, маҳаллалар, туманлараро махсус танловлар ўтказилди.

Йиғилишда пойтахт аҳлига мурожаат қабул қилинди.

Мурожаатни 2-саҳифада ўқийсиз. ➔

Халқаро иқтисодиёт янгилиги

2002 йилнинг 1 январидан Европа Иттифоқи мамлакатлари миллий валютадан умумий пул бирлиги - нақд шаклдаги еврога ўтади. У евро худудига қирадиган 12 та Европа давлати валютасининг ўрнига қўлланилади.

Бироқ, янги Европа валютасига ўтиш нафақат Европа мамлакатлари, балки, Европа Иттифоқи давлатлари билан мустақам иқтисо-

Миллий банк евро ни муомалага киритишга ҳозирлик кўрмоқда

дий ва савдо муносабатларига эга давлатларга ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Хусусан, бу масала Европа Иттифонининг кўпгина мам-

лакатлари билан узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган Ўзбекистон учун ҳам долзарбдир.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб Европанинг янги валютасига ўтишга тайёргарлик кўра бошлади.



Мустақиллик йўллари

ШУ СОННИНГ

2-саҳифасида:

- Маҳалламизга сув келди!
- Ўнинчи лампани ғамлайверайликми?
- Усоманинг изи қаерда?

3-саҳифасида:

- Бу кошона оқсоқоллар ва ёшлар учун қурилди.
- Обод шаҳар янада обод бўлди.
- Ишдан бўшашни хоҳламагандим, лекин...

4-саҳифасида:

- «Радиода муҳаррир, маҳаллада оқсоқолман...»
- Эркак чойхонаю маишатдан бўшамагач...
- Охирги миш-мишни эшитмаган бўлсангиз, ўқинг!

МАНАЛЛА

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссасдорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмунини, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail: mahalla@gazeta.silk.org

Тахририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75, ижодий бўлимлар — 136-53-82.

Қабулхона — 136-53-93.

Тел/факс: — 133-44-25.

ЖИЗЗАХ ШОДИЁНАЛАРИ

Яқиндагина мустақилликимизнинг асосий тимсолларидан бири - Конституциямиз қабул қилинганининг 9 йиллигини тантанали нишонладик. Бу сана муносабати билан бутун республикаимиз бўйлаб байрам тадбирлари ўтказилди. Жиззах вилоятида бўлиб ўтган байрам тадбирининг эса бизнинг муштарийларимиз учун алоҳида эътироф этишига лойиқ жиҳатлари мавжуд. Айнан 8 декабр - Конституция байрами куни бу ерда, Жиззах шаҳри марказида, ҳам шарқона ҳашаматга, ҳам замонавий қулайликларга эга бўлган гузал иншоот - Маҳалла маркази ва Ёшлар маркази биносининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни вилоят ҳокими Убайдулла ЯМОНҚУЛОВ очди.

Тантанада Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Уринбосари Дилбар Фуломов, Ўзбекистон Қаҳрамони, шoir Абдулла Орипов, Республика Оқоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси Шухрат Жалилов, «Камолот» республика ёшлари ижтимоий ҳаракати кенгаши раиси Ботир Убайдуллаевлар қатнашди. Сўзга чиқувчилар Жиззахликларни Асосий Қомуимиз байрами билан вилоят аҳлини ушбу қувончли воқеа - Маҳалла ва Ёшлар марказларининг очилиши билан қизгин табриқлашди ва мажмуанинг фаолияти вилоят ёшлари ва маҳаллалари ҳаётида қўллаб ижобий ўзгаришларнинг асоси бўлишини эътироф этдилар.

Мажмуанинг рамзий қалитини 432-қурилиш трести бошлиғи Ортиқбой Мамадалиевдан «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси ва вилоят ёшлари ижтимоий ҳаракати раҳбари қабул қилиб олинди.

Мажмуани кўздан кечиргач, ташқаридан икки томчи сувдек бир-бирига ўшайдиган биноларнинг ички бекаги ва жиҳозланishi бири-иккинчисини тақдорламаслигини кўрдик. Ёшлар марказида компьютер хоналари, рақс майдончаси, ёшларнинг турли машғулотлар ўтказишлари учун мослаштирилган бир нечта хоналар мавжуд бўлса, Маҳалла марказининг катта мажлислар зали ҳам, оқоқоллар, туман жамғарма бўлиналари раислари кенгашидан хоналари ҳам ўзига ҳос салобат билан жиҳозланган. Жамғарманинг вилоят бўлими ва вилоят ёшлари ижтимоий ҳаракати ҳам шу ерда фаолият кўрсатади. Энг қизғини, Ёшлар марказида жиҳазлик ёшлар қўшиқ айтиб рақсга тушишини, Маҳалла марказида эса оқоқоллар, «Маҳалла» жамғармаси вилоятнинг туман бўлиналари раислари кенгаши куриб, маслаҳатлашини шу захотиёқ бош-лаб юбордилар.

Шу кун Маҳалла марказига тақлиф этилган оқоқоллар, эл ардоғидаги ёши улуг кишилар, меҳнат фахрийлари учун ифторлик дастурхони тўзди.

БИНОМИЗ ҲАМ, РЕЖАЛАРИМИЗ ҲАМ ЯНГИ!

Муқимжон ҲАСАНОВ, Жиззах вилояти Оқоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси.

Кейинги ўн йилда вилоятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти ўзига ҳос ва мос равишда ривожланимоқда.

Жумладан, вилоятимизда чет эл фирмалари билан ҳамкорликда бир нечта қўшма корхоналар ташкил этилди. Бундай корхоналарнинг кўпайиши миғгалаб одамларимизни иш билан таъминлашни демасдир. Давр талабидан келиб чиқиб, туманлардаги бўлиналаримизнинг фаолиятини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Жойларда туман ҳокимликлари томонидан жамғарма бўлиналарига ер, маблағ ажратилишига эришмоқдамиз. Айниқса, Баҳмал, Пахтакор, Дўстлик туманларидаги бир қатор йирик ташкилотлар ва ҳокимликлар томонидан жамғарма бўлиналари қўллаб-қувватланмоқда. Жамғарманинг туман бўлиналарига ажратилган ерларни ҳайдаш, шудгорлаш, экин экиш ва ҳоказо ишлар учун техника харажатларига йил охирида қайтариш шarti билан Баҳмал туман бўлимасига 300000 сўм, Янгиобод тумани бўлимасига 50000 сўм маблағ вилоят бўлимига ҳисобидан ўтказилди. Шунингдек, жамғарманинг вилоят бўлими томонидан 32-маҳсуе ногиронлар мактабига 75384 сўмлик кийим-кечак, жиҳозлар тақдим этилди. Бундан ташқари бўлимига ҳисобига Пахтакор туманидан 45 гектар ерни ижарага олиб, галла ва пахта етиштирмоқдамиз.

Вилоятда 259 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мавжуд бўлиб, оқоқолларимизнинг 83 фоизи олий маълумотли, катта ҳаёт тажрибасига эга кишилар. Маҳаллаларимизда ёшлар билан ишлаш, тўй ва маърака маросимларини тартибга солиш юзасидан дастурлар ишлаб чиқилган.

Мана, келаятган 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди. Бунга қадар ҳам қарияларимизга иззат-ҳурмат кўрсатиб келаятган бўлса-да, янги йилда уларга бўлган эътиборимизни янада кўчатириш тақозо этилади. Бу борда айрим тадбирларни ҳозирлаш режалаштириб, туман бўлиналаримиз раислари ва оқоқолларимиз билан ана шу режалар ҳусусида шу бугунгىк маслаҳатлашиб олдик. Ҳудудас янги биномизга янги режалар, янги ишлар билан қўчиб кирдик.

ЖАМҒАРМАМИЗ ЕРЛИ БЎЛДИ

Бундан ўн беш-йигирма йиллар аввал «Вақти келиб, жамиятимизнинг катта-кичик муаммоларини фуқароларнинг ўзлари ҳал қилиш» деб айтган одамни ҳомхалалкойд айблаган бўлардик.

Бундай дейишни ўша замонларда ҳаёлимизга

ҳам келтирмаган бўлса-да, бугунга келиб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилган ваколатларнинг, эътиборнинг шохиди, нафақат шохиди, маҳалла тизимини такомиллаштириш жараёнининг иштирокчисини ҳам бўлиб турибмиз. Шу ўринда бўлиналари фаолиятидан кичик бир мисол: ўтган йили бўлиналари иштироғига 8 гектар ер беришганди. Бу йил эса унга қўшимча 30 гектар далами ер ҳам беришди. Ердан унумли фойдаланиб, кўрган даромадларимиз эвазига бир қатор муаммоларни ҳал этдик, хайрия ишларимизнинг қўламини кенгайтирдик. Бу маблағлар ҳисобидан жамғарма, маҳаллаларимизнинг иқтисодий имкониятларини мустаҳкамлашимиз, жойларда бугунги кунда маҳалла тизимининг асосий фаолиятидан бирига айланган — муҳтожларга моддий қўмак бериш ишларини ижтимоий адолат нуқтан назаридан амалга оширилишига эришганмиз.

Ўн беш-йигирма йил олдин бундай ишлар

са, бугунги тадбирларнинг амалга оширилиши ҳам, Президентимизнинг келаятган йили «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиш ҳақидаги ташаббуслари ҳам давлатимиз томонидан маҳалла фаолиятига, ёшлар камолотига, ота-боболаримиздан мерос қолган каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш каби азалий қадриятларимизга нақадар катта эътибор қаратилаётганини тасдиқлайди.

Вилоятимиз ҳокими тақлиф этганларидек, келаятган «Қарияларни қадрлаш йили»да ушбу қошонада ҳар ойда бир марта эл-юртга хизмати сингган ёши улугларимизнинг, вилоятимиз маҳаллаларидан бири-биринг тантанаси ёки тадбири ўтказилиб турилса, нур устига аъло нур бўларди. Жиззах шаҳрининг ўзида 32 та маҳалла мавжуд бўлса, шулардан 20 таси ўзининг замонавий, чиройли қурилган гузарига эга.

ҳақидаги ғамхўрликларни кўриб, ўткинчи қийинчиликларни писанд қилмай, ишлайдиган, билим оладиган, яшайдиган даврлар келганига амин бўлмоқдамиз. Инсоннинг жамиятга қилган хизмати тарихда бу даражада қадрланмаган. Тугаятган йилимизнинг «Онalar ва болалар йили» деб эълон қилинганиги муносабати билан оналарга, болаларга кўрсатилаётган қанча-қанча ғамхўрликларга ўзимиз гувоҳимиз. Демак, «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинган янги йилда бувию боболарга алоҳида эътибор, ғамхўрлик кўрсатилад эканда, деб жуда хурсанд бўлдим. Бу давлатни тинглаб туриб, кўзларимда миннатдорлик, шукроналик ёшлари қалқди. Аминманки, юртимизнинг барча қариялари, ёши улуглари мен каби кўлларини дуога очиб, Юртбошимизга узоқ умр, тани сихатлик тилаб туришибди. Шахсан ўзим, қарилгани тан олмай, куч-қувватим борича шу ота-бобомиздан қолган маҳалла тизимига ишлаб, юрт равнақига кичик бўлса ҳам улуш қўшмоқчиман.

Рисолат ВОХИДОВА,
«Маҳалла» жамғармаси
Зомин тумани бўлимаси раиси,
«Эл-юрт ҳурмати»
ордени соҳибаси.


«МАҲАЛЛА» БИЛАН ЁНМА-ЁНМИЗ

Ўзбекиона турмуш тарзининг ўзига ҳос жиҳатларини ҳисобга олсак, оила тиқчилигида, фарзандлар камалида аёл кишининг ўрни жуда катта.

Оила мустаҳкамлиги эса жамият тараққийнинг муҳим шартларидан бири. Демак, бугунги ўзбек аёлининг салоҳияти, дунёқараши, билими ва ҳатто саломатлиги жамият тараққийига, давлат ривожига сезиларли таъсир ўтказди. Шу маънода мустақиллик йилларида юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар, имтиёзлар самараси тадбиркор аёлларимизнинг бугунги кундаги фаолиятларида аён бўлмоқда. Биз тадбиркор аёлларга уларнинг фаолиятларидан келиб чиқиб, турли - ҳуқуқий, моддий ва ҳоказо ёрдамишни ҳамиша кўрсата оламиз. Лекин тадбиркор бўлмаган аёлларимиз-чи? Улар ҳам моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга, ҳуқуқий, тиббий маслаҳатларга муҳтожлар-ку. Тўғри, маҳалла тизими аёлларни бир қадар ижтимоий муҳофазалашга қодир. Биз ҳам тадбиркорликдан бошқа касб эгаси бўлган ёки уй бекаси бўлган аёлларимизни ҳуқуқий, маънавий, тиббий маслаҳатлар билан қўллаб-қувватлаш мақсадида ассоциациямиз қошида «Ҳамдарлик» марказини ташкил этганмиз. Марказимиз фаолияти оилавий келишмовчиликдан, ўтиш даври қийинчиликларидан азият чеккан аёлларимизга руҳий, ижтимоий ва ҳуқуқий мадад кўрсатишдан иборат. Ишонч телефонларимиз ҳам бор, хоҳловчилар ўзларини таништирмган ҳолда ҳуқуқшунос, руҳшунос, шифокорларимиз хизматидан бепул фойдаланишлари мумкин. Марказимиз икки йиллик фаолияти давомида бир неча марта чет эл грантларини олишга муваффақ бўлган. Яқинда эса халқаро Сорос очик институтлар жамғармасининг ўн тўрт минг АҚШ доллари миқдоридидаги грантига сазовор бўлдик, аниқроғи, «Ҳамдарлик» маркази орқали аёлларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг дунёқараши, салоҳиятини ошириш учун режалаштирган амалий лойиҳамиз ушбу маблағни ютиб олди. Айни кунларда ана шу лойиҳа асосида фаолият юритмоқдамиз. Аёлларимизни маҳаллаларда ўтказиладиган ўқув-амалий семинарларга жалб этиш, касбга тайёрлаш, ўқитиш, керак бўлса давлат ишларини режалаштиришимиз.

Маҳалла маркази қурилишида ассоциациямизнинг ҳам улуши бор. Мазкур янги бинонинг икки хонаси ассоциациямизга ажратилган. Оқоқоллар, жамғарманинг туман бўлиналари раислари билан ёнма-ён ишлаш маҳаллалар билан ўртаимиздаги ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлайди, деб уйлайман.

Сайёра ҲАМИДОВА,
Жиззах вилояти Тадбиркор аёллар
ассоциацияси раиси.



МАҲАЛЛА МАРКАЗИДА «ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ТАДБИРИ БЎЛАДИ

Дарвоқе, янги қурилган Маҳалла ва Ёшлар марказларининг ушбу ҳашаматли биносига айнан Янги йил муносабати билан яна бир катта тантана бўлиб ўтади.

Эндиги тантана иштирокчилари ва меҳмонлари кичикпой бобоқоллар бўлишди. Республикаимиздаги Эмас, барча жабдаларга тарбияланувчилари ва кўп болали, кам даромадли оилаларнинг фарзандлари учун бу йил ўзини марта ўтказилаётган анъанавий «Президент арчаси» томошаларини бу сафар бир нечта вилоятларимизда ҳам намойиш этиш режалаштирилган. Жумладан, Янги йилнинг дастлабки кунларида Жиззах вилоятида «Президент

арчаси» Маҳалла марказининг залига ўрнатилди. Шу кунги жиҳазлик бобоқолларга шахсан Президентимиз номларидан битилган байрам кутлови, совға-саломлар тарқатилди ва «Томоша» болалар фольклор театр жамоасининг Янги йил томошалари намойиш этилади. Шундай қилиб, Жиззах вилояти ҳокимлигининг, вилоятдаги унлаб катта-катта ташкилот ва корхоналарнинг ҳомийлиги, савоатпешаси шарофати билан бунёд этилган Маҳалла ва Ёшлар марказлари биносига бўладиган ilk тантаналар ҳам кўнгли ярим болажонларни хушнуд этишдек хайрли тадбирга бағишланади.

Суратда: Маҳалла ва Ёшлар марказининг кўриниши;

тўғрисида орзу қилиш ҳам мумкин эмасди. Умуман, мустақилликнинг афзалликларини фақат маҳалла тизими фаолиятида эмас, барча жабдалардаги ислохотлар, ижобий ўзгаришларда яққол кўриб турибмиз. Ҳар қандай тараққийнинг энг биринчи шarti - тинчлик, осойишталик. Хушёрлик - бугунги куннинг энг асосий талабларидан бири. Шунинг учун тинч ҳаётимизга,

Шундай бўлса ҳам, биздагидек қурилган Маҳалла ва Ёшлар марказининг ҳозирча республикаимизда ягоналигидан фахрланамиз.

Гани ОБИДОВ,
Жиззах шаҳридаги Олмасор
маҳалласи оқсоқоли,
«Эл-юрт ҳурмати»
ордени соҳибаси.



Очилиш маросимидан лавҳа.

ОСМОН БЎЛДИ ҚАДРИМИЗ!

Ешим 70 дан ошди. Мен шўролар даврида кўп йиллар хотин-қизлар ҳаёти, фаолиятига оид вазифаларда ишлаб, уларнинг қай даражада оғир меҳнатларга жалб этилганликларини кўрганман.

Мустақилликка эришганимизча миллион-миллион тонна «оқ олтин»нинг юки асосан аёлларимиз елкасида бўларди. Ўша пайтларда ҳаммамизнинг юрагимизда ошқора айтилмайдиган «Қошки биз ҳам эркин нафас оلسак, меҳнатимизнинг роҳатини кўрсак» деган орзумиз бўларди. Мана энди, бугунги имкониятларни, аёлларимиз

Мавлуда КОСИМОВА,
Сайёрам АБДУРАҲМОНОВ
«Маҳалла» мухбирлари.

Ташаббус

САМАРҚАНД САРИШТА ШАҲАР

Маълумки, бундан бир неча ой олдин халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқар сессияси бўлиб ўтган эди. Сессияда Юртбошимиз йиғилганларни вилоятнинг янги раҳбари билан таништириш экан самарқандликларни - ободончилик, иншоотлар бунёд этиш ва шунинг баробарида Самарқандни обод шаҳарга айлантиришга ундагани.

Вилоят ҳокимининг 2001 йил 24 сентябрдан 25 октябргача вилоятда «Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, қўқаламзорлаштириш ойлари» ҳақида қарори вилоят аҳли томонидан зўр иштиёқ билан амалга оширилди. Бу ишлар ҳали ҳам давом этмоқда.

Боғларга шакл бериш, ариқ-зовурларни тозалаш, автомобиль қатнов йўллари ҳамда пиёдалар йўлакларини тўлиқ таъмирлаш ишлари дид билан бажарилган. Шаҳардаги бир нечта шох қўчаларидаги ҳозирги замон талабларига жавоб бермайдиган автобекатлар қайта таъмирланиб, замонавий андозаларда билан жиҳозланди. Шаҳар аҳолисининг ахлат-чиқиндиларини ҳар жойга тўқиш қаттиқ назоратга олиниб маҳсуус транспорт орқали олиб кетиш йўлга қўйилган.

Вилоят ўрмон ҳўжалигининг сай-ҳаракатлари билан шаҳар ҳуснини бузиб турган дов-дарахтлар

олиб ташланиб ўрнига кузги дарахт ниҳоллари ўтқазилди.

Шунингдек, Булунғур, Каттақўрғон туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳридаги корхона-ташкilotлар ва маҳаллаларда олиб борилган ободонлаштириш ишлари жамоатчиликнинг ташаббускорлиги ва ҳамжиҳатлиги маҳсули бўлди. Шунингдек, вилоят аҳли, кенг жамоатчилик йилнинг ҳар тўрт фаслида ўзлари яшаб турган маҳалла, меҳнат қилаётган корхона-ташкilotларида «Тозалик, ободончилик ойлари»ни ўтказиш ташаббусини билдиришмоқда.

Бугун бутун ҳаёт эътиборида қўтул қашамжолар, тарихий обидалари ва кўркам табиати билан сайёҳлар шаҳрига айлиниб улгурган Самарқанднинг қисқа фурсатда шинам, саришта ва гулларга бои масканга айланишига ишониб қоламиз.

Шухрат ҚАРШИЕВ.



Савол: Мени ишдан тўғри бўшатишдими?

Фарзандим кетма-кет бетоб бўлгани сабабли ярим йил ичнда беш марта икки ҳафтадан ишга чиқолмадим. Ишонганим ҳисобисига ҳар сафар касаллик варақаси топширганман. Менинг кўп марта ишга ароқсин бўлганим мени ишдан бўшатишлари учун сабаб була оладими?

ҲИКМАТОВА М.

Янгиёул.

Жавоб: Йўқ. Сиз

узрли сабабларга кўра, яъни меҳнатга қобилиятсизлик варақасида булганлигиниз туфайли бир неча бор ишдан бўлмагансиз. Шундай экан иш бевурачи учун меҳнат шартномасини сиз бир неча бор меҳнатга қобилиятсизлик варақасида булганлигиниз сабабли ишдан бўлмаганингиз учун бекор қилишга асос йўқ. Меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга булган шахслар томонидан амалга оширилади ва буйруқ билан расмийлаштирилади. Иш бевурачининг буйруғида меҳнат шартномасининг бекор қилиш асослари кўрсатилган. Меҳнат Кодексининг ёки бошқа норматив ҳужжатларнинг тегишли моддаси (банди) кўрсатилиши керак.

Савол: «Ташунтириш хати» ёзмаслик мумкинми?

«Ташунтириш хати» ходимдан қандай ҳолларда талаб қилинади. Талаб қилинганида ходим «Ташунтириш хати»ни ёзишдан бош тортishi мумкинми?

КЎЧҚОРОВ А.

Навоий.

Жавоб: Ёзмаслик

мумкин, аммо бу жазодан озод қилмайди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 174-моддасида мувофиқ ҳар бир муассасада иш бевурачи қасба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакилик органи билан келишилган ҳолда меҳнат тартибини белгилайдиган ички меҳнат тартиби қондасини тасдиқлаш зарур ва қонда ҳар бир ишга кирувчи ходимга имзо чектириб таништирилиши ҳамда кўринарли жойга осиб қўйилиши зарур.

Интизомий жазолар ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар томонидан қўлланилади ва интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан албатта ёзма равишда ташунтириш хати талаб қилиниши зарур. Ходимнинг ташунтириш хати беришдан бош тортishi унга беришдан ҳуқуқ бўлиб, лекин унинг содир қилган ноғўя хатти-ҳаракатлари учун жазо қўллангана тўғри бўлмайди. Ходим ўзи бундан қўнралини қўллангана ҳуқуқидир.

1. Ҳайфсан;

2. ўртача ойллик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қондасида ходимга ўртача ойллик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда

Саволларга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб берди.

